



50
(1368)-son
14-dekabr
2018

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Яхши яшаш учун яхши
меҳнат қилиш зарур **2-бет**

САВОЛ-ЖАВОБ

Уселни нима учун айнан
Давлат рақобат қўмитаси
сотиб олди? **4-бет**

OPEN DATA CHALLENGE-2018

Ҳоғлар чўққиларга
ундайди **5-бет**

КОНКУРС НА ЛУЧШИЙ ЛОГОТИП ШКОЛЫ

Призовой фонд —
20 000 000 сўм! **6-бет**

ҒАЛАБАГА УНДОВЧИ КИТОБ

"Асло нолиманг, ҳеч қачон
ўзингизни шарҳламанг"
10-бет

СМАРТФОНЛАР

Янги Samsung Galaxy
"Айфон"дан қиммат бўлади
12-бет

ЎЗБЕКISTON ВА КЎШНИЛАР

Янги йилда ким кўп дам
олади? **16-бет**



СЕНАТ ЯЛПИ МАЖЛИСИ: "ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРИШ" ВАҚТИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Кеча, 13 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Муҳокамалар танқидий руҳда олиб борилди.

3-бет

OPEN DATA CHALLENGE-2018

ҲИНДИСТОННИНГ ИНФОРМАТИКА МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ВАКИЛЛАРИ АКТ ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

2018 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Ҳиндистоннинг Информатика миллий маркази (NIC) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда АКТ вазирлиги ҳузуридаги "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш маркази ва Ҳиндистон Информатика миллий марказининг келгусидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистонда электрон ҳукумат инфраструктурасини ривожлантириш, кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятида бошланғич (дастлабки) очиқ кодли дастурий маҳсулотларни жорий этиш, шунингдек, давлат хизматчиларини электрон ҳукумат соҳасидаги электрон тиббиёт, электрон таълим, электрон парламент, бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва бошқа турли йўналишлар бўйича ўқувларини ташкил этиш юзасидан истиқболдаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, ҳиндистонлик экс-



пертлар "Digital India" лойиҳаси ва унинг амалга оширилишида NICнинг тутган ўрни ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Учрашув доирасида томонлар "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш маркази ва Ҳиндистоннинг Информатика миллий маркази ўртасидаги келгусидаги ҳамкорлик бўйича "Йул харитаси"ни тасдиқлаш ҳамда унинг асосида лойиҳаларни босқичма-босқич амалга оширишни келишиб олдилар.

UZINFOCOM ДОМЕНЛАРНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ҒАОЛИЯТИНИ ТҲХТАТДИ

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — UZINFOCOM МҲЖ UZ зонасида домен номларини рўйхатга олиш ва янгилани бўйича фаолиятини тўхтатди.

UZINFOCOM томонидан рўйхатга олинган домен номларининг эгалари, хоҳишларига кўра, ўз домен номларини UZ зонасининг расмий рўйхатга олувчиларига ўтказишлари мумкин, дейилди ташкилот хабарига.

Хабарга кўра, ушбу ечим:

- Ягона интегратор UZINFOCOM МҲЖнинг UZ домени администрацияси ва рўйхатга олувчилари ўртасида аниқ тақсимланган вазифани бажаришга;

- рўйхатга олувчиларнинг рақобатдош тармоқларини ривожлантиришга;

- домен номларини рўйхатга олиш ва қўллаб-қувватлаш хизматларини марказлаштиришга;

- рақобат муҳитини таъминлашга;

- бозорга тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини ва домен номларини рўйхатга олиш, шунингдек, UZ зонасининг асосий реестрини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни яхшилашга ёрдам беради.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ (2019 йил)

Давлат мақсадли
жамғармаларини
ҳисобга олма-
ганда, давлат
бюджети
даромадлари
**102 трлн.
627 млрд. сўм,
харажатлари
107,1 трлн.
сўмни ташкил
этади.**

Молия вазирлиги прогнозидан

2 ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабр куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзода ва АҚШ Президенти ёрдამчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.**

➤ **Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев аввалги топшириқлар ижросини кўздан кечириш, халқ ҳаёти билан бевосита танишиш мақсадида 13 декабр куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабр — Малта Республикаси куни муносабати билан мамлакат Президенти Мари-Луиз Колейро Прекага табрик йўллади.**

➤ **Тошкентда Халқаро савдо маркази (ГТС)да Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатаси ижроия кўмитасининг 25-мажлиси бўлиб ўтди. Туркия Республикаси расидлигида ўтган ушбу анжуманда ташкилотга аъзо давлатлар — Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Покистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Савдо-саноат палаталари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус, туризм, транспорт, савдо, саноат, инвестиция соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралар, хотин-қизлар кўмитаси мутасаддилари, ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.**

➤ **Пойтахтимизнинг Юнусobod туманидаги Чингиз Айтматов кўчасида буюк адиб ва жамоат арбоби хотирасига атаб ўрнатилган ёдгорлик — барелёф очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Қирғизистондан келган делегация вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Ўзбек миллий академик драма театрида Чингиз Айтматов хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

➤ **Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Highway Logistics замонавий логистика марказида Тошкент шаҳар прокуратураси ва Тошкент шаҳар божхона бошқармаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ҳамда журналистлар учун медиа-тур ташкил этилди.**

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон” анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ҳамда спорт намоёндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

ЯХШИ ЯШАШ УЧУН ЯХШИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ЗАРУР



Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу қўлғу айём билан муборакбод этиб, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётимиздаги ўзгаришларга бирма-бир тўхталиб ўтди. Куйида маъмур нутқда тилга олинган айрим муҳим иқтисодий эътиборингизга ҳавола қиламиз.

■ **Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак.** Бу борада Алишер Навоий бобомиз “Зулм қилма, ишқоғли бўл, халқ учун “ади қасри”, яъни “адолат кўргонини” бунёд эт”, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат кўргонни қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судлар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифаси ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

■ **Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурокасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.** Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт.

■ **Очиқ айтиши керак: агар биз юртимизда барқарор иқтисодийёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги муваффақиятли мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамоқчи бўлсак, чала-чулала, юзак эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўташимиз шарт.** Яёна йўлимиз шу. Бу — Асосий қонушимиз талаби. Бошқа йўл йўқ. Биз бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирмайиз ва улар албатта ўзининг ижобий натижасини беради. Олдинда жуда машаққатли йўл турибди, лекин аҳолининг оғирини енгил қилиш учун давлат томонидан барча чоралар кўрилади. Нишончим қомил, меҳнатсе-

вар, тадбиркор ва уддабурон халқимиз эркин бозор иқтисодиёти шартларида самарали меҳнат қилишга ва муносиб ҳаёт кечиришга албатта қодир.

■ Конституцияимизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла миқдорда тўланади.

■ **Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам — ўпта муаммо дегани.** Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади.

Биз бу йил қабул қилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” ҳамда “Ёшлар — келаچатимиз” дастурлари доирасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун катта имтиёзлар берилди. Келгуси йилда ҳам биз ушбу дастурлар ижросини қатъий назоратга олиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира оласак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этган бўлаемиз.

■ **Олиб бораётган ислохотларимиз ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тўлдан такомиллаштириш, уни чинакам ижро ҳокимиятининг олий органига айлантириш вақти келди, деб ўйлайман.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳеч қайси мамлакатда осонликча амалга оширилган эмас. Ислохотлар албатта эскича яшаш, эскича ишлашга ўрганиб қолган айрим ман-

сабдорларга ёқмайди. Буняман очик айтишимиз керак. Чунки ўзгариш, янгиланиш уларнинг тинчи ва оромини, ҳузур-ҳаловатини бузади. Лекин ҳаёт давом этар экан, ҳаёт талаби бўлган ислохотлар ҳам илҳол давом этиши муқаррар. Бу ҳақиқатни ва талабни барча даражадаги раҳбарлар чуқур англаб олишлари зарур.

■ **Олий Мажлис ҳали-ҳануз ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айлангани йўқ. Шу муносабат билан Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳолини тизимли равишда ўрганиш ва тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.**

■ **Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак.** Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ улдасидан чиқамиз. Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни беқийсдир. Шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб “Жамоат фикри” порталини ишта туширишга қарор қилдик.

■ **Ҳар қандай қонуни маълум ҳуқуқ бериш билан бирга, жамиятга мажбурият ҳам юклайди.** Асосий қонушимиз билан барча фуқаролар жамиятга Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадри-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилган. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, авваламбор, тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқдир.

■ **Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастури-ламалга, ҳаётимиз қолисига айланиши зарур.** Бунинг учун Асосий қонушимизни умумтаълим мактабларида, олий ўқув yurtларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадри-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки қонунлик қоғда ва одатга айланиши шарт.

■ **Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур.** Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

■ **Билимли авлод — буюк келажақнинг, тадбиркор халқ — фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса — тараққиётнинг кафолатидир!**

“ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРИШ” ВАҚТИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

◀1-бет.

Катта ваколатлар ва энг асосийси, сайловчиларнинг овозларини олган мазкур ҳудудлардаги сенаторлар бундай сусткашлик, масъулиятсизликни қандай изоҳлашади? Ҳар бир ҳудудда қанчадан-қанча долзарб масалалар, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар юзада қалқиб турган бир шароитда улар қандай қилиб тинч ухлашмоқда, эл-юрт ташвишлари, манфаатлари наҳотки уларнинг виждонини қийнамаса?! Ҳаммамиз учун “ғалвирни сувдан кўтариш” вақти яқинлашмоқда, сайловчилар ўз саволларига жавобларни бугун кутмоқда.

Давлат тили абгор ҳолга тушиб қолди

Ялпи мажлисда Сенат раиси Нигматилла Йўлдошев нутқ сўзлади. У ўз нутқида ўзбек тилининг қадрсизланиб қолаётгани, қонун ҳужжатларининг аксарияти рус тилида эканлигини таассуф билан таъкидлаб ўтди.

2019 йилда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилинганига 30 йил тўлади. Сенат раисининг билдиришича, тарихдаги ушбу шонли саноат муносиби нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш ва тил ривожини билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш мақсадида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳрида, шунингдек, турли вазирлик ва идораларда ижро этилиш ҳолати ўрганилган. Ўрнида ушбу Қонун ижроси йиллар давомида деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланган.

— Қонунда жавобгарликка тортишга асос бўлувчи нормалар мавжуд бўлса-да, қонун нормаларининг мунтазам бузилиб келинаётгани учун бирон-бир айбдор шахс белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмади, — деди Нигматилла Йўлдошев. — Аччиқ бўлса-да, айтишга тўғри келади — бу ҳолат қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ўрнига, уни маълум маънода рағбатлантирмоқда. Бу каби яна кўплаб камчиликлар ва ҳанузгача давом этаётган қонунбузарликлар, таъбир жоиз бўлса, Қонуннинг эгасиз ва ожиз бўлиб қолгани оқибатида давлат тили нуфузи пасаймоқда.

Турли йиллар мобайнида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган 154та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг иловалари давлат тилида тасдиқланмаган.

Шунингдек, 2018 йилда қабул қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари ва агентликларнинг 34та қўшма қарори ҳам давлат тилида эмас.

— Бунинг устига, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “Рус тилидаги матнга қаранг”, деган ҳаволаларнинг мавжудлигини эса, давлат тилига ўта ҳурматсизлик сифатида баҳолаш мумкин, — деди Сенат раиси.

Нигматилла Йўлдошев шунингдек, аксарият адабиётларнинг кирилл алифбосида чоп этилаётгани ёшларнинг имкониятларини чеклаб қўяётганини ҳам алоҳида таъкидлади.

— Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида сабоқ

олишни бошлаган ёш авлод бугун 23 ёшдан ошди. Фундаментал илмий, бадиий, сиёсий ва бошқа адабиётларнинг аксарияти эса, кириллчада қолиб кетган. Оқибатда ҳаётнинг айна илм олишга зарурат ва иштиёқ туғилган жўшқин палласида аксарият ёшларнинг имконияти чекланиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, тилимизнинг абгор ҳолатга тушиб қолаётганига ўзимиздаги бепарволик ва эътиборсизлик сабаб бўлмоқда, — деб таъкидлади Сенат раиси.

Ўзлаб мактаблар ҳамон кўлбола печларда иситилмоқда

Сенат ялпи мажлисида Андихон, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўтказилган ўрганишларда аниқланган мазкур ҳудудлардаги 167 мактаб мўрили чўян ва кўлбола печлар билан иситилаётгани таъкид қилинди. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан яхшироқ эканлигига ҳеч ким кафолат бермади.

— Болаларнинг соғлиғига ва ҳатто ҳаётига хавф солаётган, уларда сурункали касалликларни келтириб чиқарадиган бу муаммони бартараф этиш бўйича Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари қандай ташаббус ёки талаб билан чиқди? — деди Сенат раиси Н.Йўлдошев. — Агар бундай ташаббуслар, мисол учун, Молия вазирлигига киритилган бўлса, бу вазирлик қандай чоралар кўрди? Бу ҳолат эртага мудҳиш оқибатларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат беради?

Ҳолбуки, ижтимоий тармоқларда ва фавқулодда вазирлар тузилмаларининг ахборотларида ис газидан захарланишнинг аянчли ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тез тарқатилмоқда.

Сенаторлар қандай тинч ухламоқда?

Сенат томонидан аҳолини йиллар давомида қийнаб келатган муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш борасида мунтазам ўрганишлар ўтказилаётгани Сенат ялпи мажлисида алоҳида қайд этилди.

Н.Йўлдошев сенаторларга қарата “Нима учун ҳудудлардан сайланган сенаторлар умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни парламент сўро-

ви воситасида ҳал қилиш бўйича ташаббус кўрсатмаганлар? Улар аҳолини йиллар давомида қийнаб келатган муаммолардан ўша ҳудудда яшаб ҳам беҳабарми?”, дея мурожаат қилди.

— Шу ўринда Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг эътиборини бир жиҳатга қаратилмади, — деди раис. — Бизнинг мазкур масала юзасидан тегишли тақлиф ва тавсияларимиз ўтган йилнинг августида Ҳукуматга киритилган эди. Аммо шу кунга қалар Ҳукумат томонидан шундай долзарб масалани ҳал этишга қаратилган биронта ҳам қарор қабул қилинмади ва белгиланган тартибда парламентга киритилмади. Қачонгача бу ҳудудлар аҳолиси мутасаддиларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида азият чекиши керак?!

Сенат раиси: “Катта ваколатлар ва энг асосийси, сайловчиларнинг овозларини олган мазкур ҳудудлардаги сенаторлар бундай сусткашлик, масъулиятсизликни қандай изоҳлашади? Ҳар бир ҳудудда қанчадан-қанча долзарб масалалар, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар юзада қалқиб турган бир шароитда улар қандай қилиб тинч ухлашмоқда, эл-юрт ташвишлари, манфаатлари наҳотки уларнинг виждонини қийнамаса?! Ҳаммамиз учун “ғалвирни сувдан кўтариш” вақти яқинлашмоқда, сайловчилар ўз саволларига жавобларни бугун кутмоқда”, дея қайд этди.

Сенат 2019 йилга давлат бюджетини маъқуллади

Сенат ялпи мажлисида 2019 йилга давлат бюджетини ЯИМ 1,1 фоизи ёки 4,5 трлн. сўм миқдоридида дефицит билан маъқуллади. Бюджет лойиҳаси бош вазир ўринбосари, молия вазири Жамшид Кўчқоров томонидан тақдим этилди.

Давлат бюджети параметрлари 2019 йилга режалаштирилган ЯИМнинг 2018 йилга нисбатан 5,4 фоизга ўсиши, инфляция — 15,5 фоиз даражасида ҳисобга олинган ҳолда маъқулланди.

Бюджет даромад қисми ЯИМга 24,2 фоиз ёки 102,6 трлн. сўм миқдоридида, харажатлари — ЯИМга 25,3 фоиз ёки 107,1 трлн. сўм миқдоридида таъминланиши режалаштирилган.

Ҳукумат 2020 йилда ЯИМ ўсишини 6 фоизга, 2021 йилда — 7 фоизга, инфляция даражаси пасайишини — мос равишда 12,6 ва 9,9 фоизга прогноз қилмоқда.

Солиқ ва бюджет сиёсатига оид қонун маъқулланди

Ялпи мажлисда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Киритилаётган ўзгартиришларда фуқароларга пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар тўлаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблашда ягона ижтимоий тўлов ҳисобланган барча меҳнатга ҳақ тўлаш тартибдаги даромадлари инobatта олиш тақлиф этилмоқда.

Қонунда солиқ соҳасига жорий этилган янгиликлар натижасида Солиқ кодексининг 80тадан ортиқ моддасига ҳамда 2019 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ Бюджет кодексининг 71, 72, 122 ва 164-моддаларига киритилган ўзгартиришлар ўз аксини топмоқда.

Қонун 2019 йилги бюджет ва солиқ сиёсатининг прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлашга, қонунчиликнинг алоҳида нормаларини аниқ қўлланилишига, бюджетлараро муносабатлар ва соҳадаги алоҳида масалаларни тартибга солишга зарур ҳуқуқий шароит яратди.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Жами 28 масала

Умуман, мажлис давомида 28 масала кўриб чиқилмоқда. Шундан 17таси қонунлардир. Улар орасида “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Уруғчилик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар бор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг, ташқи ишлар вазирининг ахборотлари, Фарғона вилояти ҳокимининг ҳисоботи, Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси раисининг Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

UCELLNI NIMA UCHUN AYBAN DAVLAT RAQOBAT QUMITASI SOTIB OLDI?

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўзининг расмий сайтида Tella Company компаниясидан Ucell (Coscom МЧЖ) мобил операторининг 100 фойзли улушини сотиб олганига изоҳ берди.



— Нима учун айбан Давлат рақобат қўмитаси Ucell улушини сотиб олди? Қўмита томонидан тижорат объектини сотиб олиш жараёнида қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

— “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига мувофиқ, мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли.

Давлат рақобат қўмитаси давлат мулкларини бошқариш соҳасида давлат бошқарув органи ҳисобланиб, унга юклатилган вазифаларни бажариш учун акциядорлик жамиятлари, бошқа ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари акцияларини (удушлари, пайлари) сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасида фуқаролар ва

юридик шахслар шартнома тузишда эркин экани белгиланган.

Coscom МЧЖ ХК муассислари уларга тегишли улушни Давлат рақобат қўмитасига сотишга қарор қилганини ҳисобга олиб, Coscom МЧЖ ХК устав капиталидаги улуш олдибердиси тўғрисидаги шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича тузилди.

— Шартнома суммаси қандай аниқланди ва унга нима кирди?

— Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Coscom МЧЖ ХКдаги 100 фойзли улушни 215 млн. АҚШ долларига сотиб олди.

Шартнома суммаси сотувчилар томонидан аниқланди ва тақлиф қилиниб, қўмита томонидан қабул қилинди, унинг таркибига Coscom МЧЖ ХК активлари ва пассивлари кирди.

— Ucellнинг келгуси тақ-

дири қандай? Компания яқин вақтларда хусусийлаштирилди? Агарда хусусийлаштирилса, қандай шартлар асосида амалга оширилади?

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Мазмулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларида (устав капиталида) давлат улушларини амалга ошириш тўғрисидаги низома мувофиқ, хусусийлаштириш масаласи ташаббускор томонидан белгиланган тартибда ариза берилган тақдирда кўриб чиқилади. Бироқ, айни вақтда талабномалар йўқ.

Давлат улушини сотиш муддатлари ва шартларини сотувчи белгилайди. Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан бошқа муддат ва шартлар ўрнатилиши мумкин.

ЖАМИЯТ

БОҒЧАГА БОРМАЙДИГАН БОЛАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ БЕРИЛАДИ



Бошлангич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтган болаларга тегишли давлат намунасидаги сертификатлар берилади.

Болаларни бошлангич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга бошқичма-бошқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида болаларни мажбурий таълимга бепул бир йиллик тайёрлашни жорий этиш тажриба лойиҳаси амалга оширилади.

Мазкур тажриба лойиҳасини амалга оширишда Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, қарор билан Болаларни бошлангич таълимга мажбурий бир йиллик бепул тайёрлаш тажриба гуруҳларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқланди.

Низома кўра, тажриба гуруҳлари мактабгача таълим муассасаларига бормаидиган болаларга мактабгача таълим ва тарбия олишда ёрдам бериш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

Тажриба гуруҳларида таълим-тарбия жараё-

нини йўлга қўйиш учун алоҳида хоналар ажратилади ва улардан фақат мақсадли фойдаланилади, зарур бўлса уларга алоҳида эшикдан кириш ташкил этилади.

Тажриба гуруҳларида жорий йилнинг 1 сентябр кунидан 5 ёшга 6 ойлик бўлган, мактабгача таълим муассасасига бормаётган болалар қабул қилинади.

Шунингдек, низома кўра таълим-тарбия жараёни болаларнинг овқатланишини ташкил этиш шартсиз бир ҳафтада камида 15 соат (бир кунда 3-4 соат) ўқитишни назарда тутувчи мактабгача таълим муассасалари учун давлат ўқув дастури асосида ташкил этилади.

Битта гуруҳда болалар сони 30 нафардан ошмаслиги керак.

Мажбурий тайёрлов гуруҳлари учун 2018-2019 ўқув йили 2018 йил 10 декабрдан бошланди ва 2019 йил 10 августда тамомланди.

Бошлангич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтган болаларга тегишли давлат намунасидаги сертификатлар берилади.

ХАВҒСИЗЛИК

ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА ВИДЕОКУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низома киритилган ўзгариш ва қўшимчалар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, валюта айирбошлаш шохобчаси эндиликда видеокузатув камералари билан ҳам жиҳозланади.



Шунингдек, 09002-сонли шаклдаги маълумотноманинг (жисмоний шахслардан чет эл валютасини валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан сотиб олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат) бир нусхаси жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Бундан ташқари, эндиликда валюта айирбошлаш шохобчасининг ходими ўзи қабул қилган банкнотани ҳақиқийлиги ҳамда муомалага яроқлилиги учун жавобгардир.

12 ЁШЛИ БОЛАЛАР ЖАМОАСИ ҲАКАМЛАРНИ ҲАЙРОН ҚОЛДИРДИ



2018 йил 7 декабрь куни Тошкентдаги ИНҲА университетида Open Data Challenge-2018 танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу йил 560 киши Хакатонда иштирок этиш истагини билдирди. Танловнинг махсус тест синовларидан эса 200 нафар иштирокчи ўта олди ва улардан 48та жамоа тузилди.

Танловда иштирокчилар томонидан кўпгина қизиқarli лойиҳалар тақдим этилди.

Танловнинг асосий номинациялари ғолиблари билан таънинг:

1) “Ақлли шаҳар” учун очиқ маълумотларга асосланган энг яхши лойиҳа

- 1-ўрин: Comtek жамоаси;
- 2-ўрин: STUborn жамоаси;
- 3-ўрин: Kaizen жамоаси.

2) Очиқ маълумотларга асосланган энг яхши бизнес лойиҳа

- 1-ўрин: AdGram жамоаси;
- 2-ўрин: Bizplace жамоаси;
- 3-ўрин: COUT жамоаси.

3) Очиқ маълумотларни генерациялаш (трансформа-



циялаш) бўйича энг яхши лойиҳа

- 1-ўрин: Sudden Jump жамоаси;
 - 2-ўрин: Code Sys жамоаси;
 - 3-ўрин: HiTouch жамоаси.
- Ташкилотчилар фахрли ўринларни олган иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

Шунингдек, бу йилги тан-

лов сардори 12 ёшли Муҳаммадсуф Маҳаматрасулжонов бўлган жамоа билан ажралиб турди. Ушбу жамоа таркиби энг ёш аъзолардан иборат эканига қарамадан, мамлакатда сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган тўлақонли веб-сайт ишлаб чиқишнинг уддасидан чиқди ва замонавий виртуал реаллик унсурларидан фойдалан-

ган ҳолда мамлакат келажагини қандай кўришларини намойиш этиб берди.


Гран При мукофоти (Технологик компаниялар ва бизнес маслаҳатчилари инновацион маҳсулот ва ечимлар тақдим этадиган глобал платформа родини ўтовчи, Мадридда ўтказиладиган халқаро анжуманга йўлланма) турли мобил операторларнинг сигналлари даражаси ҳақидаги маълумотларни харитада жамловчи ва акс эттирувчи Signum дастурини ишлаб чиққан Sudden Jump жамоаси муносиб деб топилди.

Танлов ёшларга ўзларининг фикр ва ғояларини ҳаётга татбиқ этиш имкониятини яратиб берди. Умид қиламизки, келгуси йилда ўз инновацион маҳсулотлари билан дунёни ўзгартириш ва фуқароларнинг ҳаётини яхшилашни хоҳлайдиган иштирокчилар сафи янада кўпаяди.

Л. САИДУРОДОВ

ҒОЯЛАР ЧЎҚҚИЛАРГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар онгу шууримизда ўзгаришлар ясамоқда. Айниқса, таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги ислохотлар, янги педагогик технологиялар, таълим учун сарфланаётган инвестициялар, ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион ғоялар биз каби ёшларни фақат олға қадам ташлашга, илим-фан чўққиларини забт этишга ундаяпти. Тенгдошларимиз эришяётган ютуқларни кўриб-кузатиб, бунга яна бир бор иқдор бўляпмиз.



шувида иштирокчиларга жуда катта имкониятлар яратиб берилди. Хорижлик мутахассислар талаба ва ўқувчиларга ўз маслаҳатларини беришлари учун алоҳида тақдимотлар ташкиллаштирилди. Қатнашчилар “Ақлли шаҳар” учун очиқ маълумотларга асосланган энг яхши

лойиҳа, очиқ маълумотларга асосланган энг яхши бизнес лойиҳа ҳамда очиқ маълумотларни генерация (трансформация) қилиш бўйича энг яхши лойиҳа сингари йўналишларда ўз ишланма ва ғояларини тақдим этишди.

Иштирокчилар йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда очиқ маълумотлар асосида турли соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун мобил ҳамда веб-иловалар ишлаб чиқишди. Танлов сўнггида “Очиқ маълумотларни генерация (трансформация) қилиш бўйича энг яхши лойиҳа (мобил ёки веб-илова, хизмат)” йўналиши бўйича университетимизнинг 4-босқич талабаларидан иборат жамоа вакиллари гран-при соҳибига айланди. Ғолиблар сафидан ўрин олган М.Файзиёв, Ш.Валиев, Р.Тургунов ва Т.Галиуллинлар ютуқ сифатида Испания пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро конгресс – Digital Business World Congress (DES)га йўлланма қўлга киритишди.

Мен ҳам мазкур танловда илк мартаба иштирок этдим. Билимга чанқоқ тенгдошларим билан фикр алмашдим, кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдим. Фикр ва ғоялар беллашувидagi ижодий муҳит, ўзига хос соғлом рақобат менда жуда катта таассурот қолдирди. Келгусида бундай беллашувларда пишиқ ва пухта, ҳар томонлама асосланган ғоя ва ишланмаларим билан иштирок этишини ният қилдим.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун барча шариотлар муҳайё қилинган шундай бетакрор юртда яшайтганимиз, билим олаётганимиздан фахрданамиз. Албатта, биз яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда улкан янгиликлар яратиб, юртимиз равнақида ўз ҳиссамизни кўшамиз.

Муниса ИСЛОМОВА,
ТАТУ дастурий инжиниринг факултети
316-17-гуруҳ талабаси

6 СОТРУДНИЧЕСТВО

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАТИКИ СОДЕЙСТВУЕТ РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТОВ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

В Центре развития системы «Электронное правительство» (Центр) состоялась встреча с тремя заместителями директора Национального центра информатики Индии (NIC) — Ranjna Nagpal, IPS Sethi, B. Vinaya. На мероприятие также были приглашены представители посольства Индии.



На встрече со стороны Центра приняли участие М.Расулов, заместитель директора, а также начальники департаментов и сотрудники.

М.Расулов ознакомил гостей с архитектурой электронного правительства в Узбекистане, рассказал об интерактивных государственных услугах, оказыва-

емых населению, о системе One ID и Едином портале интерактивных государственных услуг my.gov.uz.

Были обсуждены ряд проектов, которые планируется реализовать в сотрудничестве.

Одним из таких проектов является применение Big Data в системе электронного правительства. Данный проект подразумевает создание программного модуля, который будет служить для определения зависимостей в потоке фрагментированной информации. Например, на сайте data.gov.uz она способна прогнозировать сбои в деятельности информационных систем госорганов.

В частности, Big data бы-

дет выполнять следующие функции:

- сбор и хранение большого количества постоянно обновляющейся информации;
- контроль качества и безопасность больших данных;
- оптимизация производительности.

Благодаря этому модулю в системе электронного правительства можно внедрить унифицированную технологию в сфере анализа и обработки больших данных.

Еще один проект, это внедрение облачных технологий IaaS и SaaS в инфраструктуру электронного правительства на основе таких индийских технологических продуктов, как S3WaaS (управление веб-сайтами госорганов), Manav Saraganda (электронный менеджер), Daqran (консоль для аналитического обзора проектов).

Индийские эксперты выразили свою готовность в оказании помощи при внедрении этих технологий, основываясь на своем опыте. В конце встречи стороны договорились о поэтапной реализации проектов в рамках совместной «Дорожной карты».

Также, в рамках данного визита был организован семинар посвященный деятельности NIC для сотрудников Центра.

На семинаре гости представили информацию о деятельности NIC, его истории, структуре и о проекте «Digital India», поделились своими знаниями и навыками по улучшению системы электронного правительства с помощью передовых технологических решений, а также опытом в обеспечении прозрачности для повышения эффективности системы государственного управления.

МАСТЕР-КЛАСС

ЭКСПЕРТ LINKEDIN ПРОВЕЛА ЛЕКЦИЮ В IUT

12 декабря в Университете Инха в Ташкенте (IUT) состоялась лекция для студентов на тему: «Формирование и управление онлайн репутацией на платформе LinkedIn». В качестве спикера выступила Шахина Пулатова.

Шахина Пулатова специалист из Кремниевой долины. Имеет степень магистра компьютерных наук по специальности «Машинное обучение». Является лидером в управлении продуктами. За свою карьеру выпустила множество инновационных продуктов, глубоко укоренившихся в системах машинного обуче-



чения, поиска и обнаружения, а также в системах рекомендаций.

Эксперт Кремниевой долины возглавляет звездную команду в LinkedIn в качестве руководителя продукта профиля и идентичности, специализирующегося

на создании наиболее значимых продуктов профиля и репутации.

Лектор поделилась с участниками мероприятия знаниями в управлении и формировании онлайн репутации на платформе LinkedIn.

КОНКУРС

КОНКУРС НА ЛУЧШИЙ ЛОГОТИП ШКОЛЫ

Специализированная школа по углубленному изучению предметов направления информационно-коммуникационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми объявляет конкурс на лучший логотип школы.

Конкурс проводится с 4 декабря 2018 года по 8 января 2019 года.

Принять участие в конкурсе может любой желающий.

Призовой фонд - 20 000 000 сум!

Победитель - 15 000 000 сум;


2-е место - 3 000 000 сум;

3-е место - 2 000 000 сум.

Основными требованиями к представляемому логотипу являются: ассоциативность, уникальность, оригинальность, запоминаемость, выразительность.

Итоги конкурса будут подведены 16 января 2019 г.

Работы принимаются в электронном виде по адресу al-horazmiylogo@mail.ru с указанием темы письма «Конкурс на лучший логотип школы» либо в запечатанном конверте по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Тепамаскид, 4.



БОЛЕЕ СЕМИ МИЛЛИОНОВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ ДО КОНЦА 2021 ГОДА ПОЛНОСТЬЮ БУДУТ ПОДКЛЮЧЕНЫ К АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ СИСТЕМЕ

Согласно постановлению Президента «О мерах по ускоренному развитию и обеспечению финансовой устойчивости электроэнергетической отрасли» от 23 октября 2018 года более семи миллионов потребителей будут подключены к Автоматизированной системе контроля и учета электроэнергии.

Предусмотрено к концу 2021 года довести долю охвата Автоматизированной системой контроля и учета электроэнергии до 100 процентов от общего числа абонентов.

Автоматизированная система будет работать через налаживание четких расчетов между потребителем и обеспечителем. То есть потребитель всегда информирует о состоянии его счета (баланса). В случае возникновения у потребителя задолженности, его отключают от системы. А те потребители, которые вовремя осуществляют оплату, будут полностью обеспечены непрерывной и качественной электроэнергией. Кроме того появится возможность ведения расчета на электроэнергию по дифференцированному тарифу.



ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТИ РЕГИС ЖЕНТЕ:

“ХУКУМАТ ГАЗЕТАЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАКНИ КЎПАЙТИРМОҚДА”

— Жаноб Женте, аввало, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз, Франциянинг қайси газеталари билан ҳамкорлик қиласиз? Кўпроқ қайси мавзуларда ёзасиз?

— Ўшима эликда, 2002 йилдан буён Грузия пойтахти Тбилисда Франция матбуоти учун фрилансерлик қилиб келаман. Шу вақт оралиғида мен Марказий Осиё мамлакатларида, жумладан, Олмаота ва Бишкекда икки йил яшадим. МДХдаги давлатлар ҳаётини ёритаман. Асосан, Франциянинг “Ле Фигаро” кундалик газетаси учун мақолалар ёзаман, бундан ташқари, мамлакатнинг етакчи халқаро радиоси Радио Франсэ Интернационале ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳам ҳамкорлик қиламан. Аксарият мақолаларимда МДХ мамлакатларида юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ёритаман. Масалан, охириги ёзганларимдан бири Грузиядаги президентлик сайлови ҳақида эди. Марказий Осиёдан ёзган сўнгги мақолам Тожикистондаги Роғун гидроэлектр станциясининг расмий очилиши ҳақида бўлди. Аввалроқ, яъни март ойда Тошкентда ҳам бўлдим ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўтказилган конференцияни ёритдим. Шунингдек, Россия, Каспий кўрғаси атрофидаги ҳудудлар ва Украинадаги газ ва бензин муаммолари каби мавзуларни ҳам ёритдим.

— Айни вақтда Ўзбекистонда босма нашрларнинг иқтисодий аҳволи ва обуна масаласи долзарб мавзулардан бирига айланган. Францияда ҳам шу каби муаммолар мавжудми?

— Ҳа, албатта. Францияда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий ҳолати Ўзбекистонда-

ги вазиятдан шубҳасиз фарқ қилади, ammo муammo деярли ўхшаш. Франциядаги матбуот ҳалигача “интернет инқилоби”дан кейин юз берган ўзгаришларга мослаша олмаяпти, яъни интернетдан текинга топшиш мумкин бўлган ахборотни газеталар қандай қилиб одамларга сотиш йўлини топа олмаяпти. Албатта, мен бу ерда босма матбуот ҳақида гапиряпман. Масалан, телеканаллардаги вазият бутунлай бошқача. Яна бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳозирги босма нашрлардаги инқирознинг асл сабаби фақат интернет билан боғлиқ эмас, балки 2008 йилда ривожланган давлатларда бошланган глобал молиявий ва иқтисодий инқироз оқибатидир. Натижада босма нашрларнинг оммабоплиги, реклама ва эълон берувчилар учун жозибдорлиги камайиб, иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашди. Бунни, сўнгги икки йил ичида босма нашрларнинг даромади олти-етти фоизгача тушганидан ҳам билиш мумкин.

Францияда ҳам газеталар фақат обуна ҳисобига яшаб қола олмайди, албатта. Реклама берувчиларнинг ҳиссаси муҳим. Мисол учун “Ле Монде” газетасининг 25 фоиз бюджетини реклама ташкил қилади, “Ле Фигаро” газетасида эса бу рақам 50 фоиздир. Ушбу кўрсаткич турли нашрларда уларнинг йўналишига қараб турличадир. Айрим кундалик энг йирик газеталар, масалан, мен ишлайдиган “Ле Фигаро” баъзан иқтисодий қийин аҳволда қолади, ammo кўпинча қийинчиликларни енгиб ўтади. Агар газеталарнинг сотилиши статистикаси ҳақида гапирсак, “Ле Фигаро”

ва “Ле Монде” газеталарининг сотилишида 0,72 ва 1,75 фоиз ўсиш кузатилади. Бироқ тарихан Парижнинг энг йирик учта газетасидан бири ҳисобланган “Либерейшн” тобора таназзулга учрамоқда. Унинг сотилиши 2017 йилга нисбатан бу йил 8,16 фоиз пасайган. Афсонавий спорт нашри “Эл Экуип”нинг сотилиши 4,3 фоиз ўсган. Бироқ, Франциянинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши билан машҳур ҳафталик журналлар сотуви тобора камаймоқда. Масалан, “Эл Экспресс”нинг сотилиши 13 фоиз, “Ле Поинт” 7,5 фоиз ҳамда “Эл Обс” 19 фоиз камаяган. Муайян бир соҳа, масалан, маланият, санъат, спорт ва эрмак-хоббилар бўйича ёки турли

ўзлари ҳам қараб тургани йўқ. Улар кўпинча янги журналлар чоп этиш, яқшанба сонларини чиқариш каби муштарийларга янги маҳсулотлар таклиф этишга ва айни пайтда нашрнинг тарихий машҳур номи фойда бермай қолганда, кўпроқ даромад келтирадиган бошқа журналларни сотиб олмоқда. Бундан ташқари, улар газеталарнинг интернет саҳифаларини ҳам яратмоқда ҳамда бир пайтда босма нашр ва вебсаҳифа учун ёздалиган журналистларни жалб қилмоқда.

Мисол учун, “Ле Монде” ўзининг тарихан жиддий ва сифатли газета деган обрўсига содиқ қолган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. 2010 йили газетани 310 нафар журналист фаолият юритган бўлса, 2017 йилга келиб уларнинг сони 430 нафарга етди. Мақсад ўқувчиларни онлайн мақолаларни пул тўлаб ўқишга жалб қилишдир. Уларнинг маркетинг бўлими жуда кучли, турли кўринишдаги обуналар орқали ўқувчиларни ўзига тортиб олмоқда. 2017 йили “Ле Монде” онлайн обуначилар сонини 44 фоизга ошириши туфайли газетанинг ўқувчилари сони кескин ошди. Бутунги кунда “Ле Монде”нинг онлайн обуначилари сони газетанинг босма нашрдан кўра кўпроқдир. Бундан ташқари, “Ле Монде” газета учун пул топишнинг бошқача стратегиясини ҳам қўллаяпти. Масалан, долзарб мавзуларда анжуманлар уюштириш ёки Африкага бағишланган интернет телеканали очилиш. Чунки, “Қора қитъа” француз матбуоти учун ҳамма йирик бозор бўлиб келган.

— Бутун ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир пайтда французлар янгиликларни ўқиб учун қўлга газета олишни маъқул кўрарми ёки смартфонини титкиларми?

— Ҳа, замон ўзгармоқда. Бироқ, ёши катта авлод вакиллари ҳалигача газета ҳидини яхши кўради ва кундалик газетани сотиб олиш учун матбуот дўконларига боришни қанда қилмайди. Албатта, ёш авлодда “газета ҳиди” деган тўшунча йўқ ва улар янгилик ўқиш учун телефон ёки компютерини титкилайди. Ўзимга келсақ, ўн йил аввал онлайн тарзда ўқишни хуш кўрмас эдим, лекин ҳозир газеталарнинг қоғоз нусхасини деярли сотиб олмайман.

— Сизнинг фикрингизча, яқин йилларда босма нашрларнинг тақдирини нима бўлади?

— Уйлайманки, босма нашрларнинг келажаги тўла онлайнга ўтиш билан боғлиқ. Фикримча, келажақда босма нашрлар умуман қолмайди. Лекин, бунга фожиа деб қарамаслик керак. Ўрмонларни ёппасига кесиб, қоғоз қилишга зарурат қолмайди ва атропо-муҳитга зарар қамаяди. Бироқ, умид қиламанки, босма нашрларнинг руҳи, яъники, жиддий мақолалар, журналист тегиришуви, шарҳлар, воқеалар содир бўлаётган жойдан репортажлар тайёрлаш янада ривожланади.

Фарзона НАБИЕВА
“Hurriyat” газетасининг
2018 йил 12 декабрдаги
50 (1112)-сонидан олинди

Интернет инқилоби туфайли инқирозга юз тутган босма матбуотнинг оғир вазиятдан чиқиб кетиши учун Франция ҳукумати газеталарнинг сиёсий қарашларидан қатъи назар уларнинг барчасига кўмак беришни кўпайтирмоқда.

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг асосий вазифаси Тошкент шаҳри ҳудудида куннинг исталган вақтида пойтахтимиз аҳолиси, давлат тизимлари ва меҳмонларини энг замонавий ҳамда сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлашдан иборат.



"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ

БИЛИМ ҲАМ, ИМКОНИЯТЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ


Айни пайтда филиал таркибида Марказий, Миробод, Чилонзор, Янгиобод, Мирзо Уллубек, Шайхонтохур, Станциялараро телефон алоқа боғламалари фаолият кўрсатяпти. Siemens, HUAWEI, Iskratel каби жаҳоннинг илгор компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий телекоммуникация қурилмалари асосида Тошкент шаҳридаги қарийб барча телекоммуникация станциялари модернизация қилинаётган. Қўшаҳифамизда мазкур филиалда олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Монтаж қилинган ва фойдаланилаётган сифим ҳақида

Жорий йилнинг тўққиз ойи ҳолатига тармоқда 160+1 (шу жумладан, 86 MSAN ва 74та асосий АТС, кўчма концентраторлар) виртуал ЭАТС ва кўчма концентраторлар 45та бинога жойлаштирилди ва 16та бино ва кўчма концентратор учун жой ижарага олинди. Барча ЭАТСларнинг умумий қуввати 695,034 минг рақамни, фойдаланиш қуввати 622,320 минг рақамни, фойдаланиш коэффициенти эса 89,5 фоизни ташкил этяпти.

Кенг полосали тармоқ абонентлари (ADSL+FTTb) йил бошида 140 702 портни ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида 152 519 портга етказилди.

2018 йилнинг ўтган тўққиз ойида "Маълумотлар узатиш тармоғини FTTx (FTTb) технологияси асосида ривожлан-



Суратда: 291-АТС электромонтёри Хайрулла НОРМАТОВ иш устида.

тириш" дастури ижросини таъминлай туриб, 253 км., "ЎзМобайл" филиали база станцияларини ривожлантириш учун эса 14,2 км. оптик толали алоқа кабелли ётқизилди. Шунингдек, магистрал кабелларни таъмирлаш 104 фойзга, тарқатув кабеллар таъмири 101 фойзга ва ҳаво алоқа тизими таъмири 101 фойзга бажарилди.

Филиалда тармоқни ривожлантириш, телекоммуникация хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ва линия кабел хўжалигини техник меъёрларга келтириш бўйича ҳам ишлар тўлиқ бажарилди. Жумладан, 434 дона тарқатув жавони, 1167 дона телефон қудуғи, 11701 дона кабел яшиқлари ва кабел коробкалар жорий таъмирланди. 201 км. тарқатув кабеллари, 487 км. очиқ ҳаво линияси, 77750 абонент килириш симлари тартибга келти-

рилиб, 1 926 дона симёғочлар билан таъмирланди. Шуниси қувонарлики, бор имкониятлар ишга солинган ҳолда филиал томонидан таъминланган интернет хизматлари тезлиги кейинги кунлар ичида ўн баробарга оширилди. Бу борадаги ишлар яна давом эттирилади, албатта.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида 20дан ортиқ корхона ва муассасалар қисқа рақамлар билан таъминланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — муҳим иш

Филиалда хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги масаласига доимо жиддий эътибор қаратилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига жорий йилда 1 148 543

минг сўм маблағ ажратилгани, ушбу маблағни ўзлаштириш кўрсаткичи 173 509 885 сўмни ташкил этгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, ходимларни сут маҳсулотлари (шарбат) билан таъминлашга 73 568 000 сўм, шахсий ҳимоя воситаларига эса 53 432 216 сўм пул сарфланди. Корхона электромонтёрлари ва кабелчи-пайвандловчилар учун сифатли маҳсус кийим (униформа) филиалнинг тикув цехида тикилмоқда.

Касаба уюшмаси қўмитаси эзгуликлар бошида

Қаердаки касаба уюшмаси қўмитаси билан раҳбарият ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида биргаликда ҳаракат қилса, ўша ерда норо-

Филиалга ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги касб-хунар коллежларидан 40 нафар ўқувчи бириктирилган бўлиб, икки нафар битирувчи тўрт томонлама шартнома асосида иш билан таъминланди.



Суратда: 291-АТС ходимлари навбатдаги сафар олдидан.

зидикларнинг олди олинади. Филиал касоба уюшмаси фаоллари ҳам ходимларнинг саломатлигини тиклаш, улар фарзандларини ёзги таътилда дам олдириш масаласини биринчи ўринга қўйишади. Ана шу эътибор сабаб санатория ва дам олиш масканларида ходимлар саломатлигини тиклаши учун 142,6 млн. сўм тўланди.

Болаларни ёзги таътил даврида дам олдириш ва соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳажми ва кўлами ҳам тобора кенгайиб борапти. Бунинг учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Филиал тасарруфидagi "Алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида жорий йилги мавсумда жами 1 603 нафар бола, жумладан, филиал ишчи-хизматчиларининг 552 нафар фарзанди, Хоразм вилоятидан 85 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан 66 нафар болажон соғломлаштирилди.

Малакали ходим — муваффақият омили

Маълумки, ҳар бир корхонада эришилдиган ютуқлар у ерда меҳнат қилувчи мутахассисларнинг билими, малакаси ҳамда укувига кўп жиҳатдан боғлиқ. "Ўзбектелеком" АК "ТШТ" филиали раҳбарияти ходимларнинг унумли

меҳнат қилишлари учун етарли шароит яратиш билан биргаликда, улар малакасини ошириб боришга ҳам ҳаракат қиляпти. Бугунги кунда бу ерда 2426 нафар мутахассис фаолият юритяпти, уларнинг 842 нафари олий, 1420 нафари ўрта-махсус ҳамда 164 нафари ўрта маълумотлидир. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, бу борда марказий, маҳаллий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилинаётгани ўз самарасини берапти.

Жорий йил тўққиз ойи давомида 348 нафар ходимнинг малакаси оширилди. Жумладан, Персонални бошқариш марказида 102 нафар ходим ўқиб, билимини мустаҳкамлаган бўлса, филиалнинг 15 нафар ходими бевосита корхоналарнинг ўзида, икки нафари чет эл таълим муассасаларида, қолганлари эса турли маҳаллий таълим муассасаларида ташкил этилган ўқув курсларида иштирок этишди.

Филиал ва унинг тасарруфидagi боғламаларда соҳадаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўташлари учун барча зарур шароитлар яра-

тилган. Ўз навбатида, филиал ҳам Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида мутахассислар учун бўш иш ўринлари ярмаркасида ҳар доим фаол иштирок этиб, 2018 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчиларининг 34 нафари иш билан таъминланди.

Маданий-маърифий тадбирлар

— Инсон қанчалар билимли бўлмасин, агар унда маънавият етишмаса, мижозлар билан муомалада кўполликка йўл қўйса, бундай ходим ишда керакли самарага эриша олмайди, — дейди филиалнинг ҳужжатлар алмашинуви ва назорат хизмати бошлиғи Фахриддин КАМОЛИДДИНОВ. — Шунинг учун ҳам биз ходимлар маънавиятини ошириб боришга хизмат қилувчи тадбирларни режага асосан ўз вақтида ва қизиқарли ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Байрамларнинг корхонамизда кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатликда нишонланиши, ёш оилаларнинг фарзандлари билан биргаликда маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Ёш

томошабинлар театрига текин чипта тарқатилгани, шунингдек, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Лайло Раҳимова иштирокида "Репродуктив саломатлик, хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, аёллар ўртасида кўп учрайдиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш йўллари" мавзuida ўтказилган тадбир, буюк алломалар Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудлари муносабати билан ўтказилган маънавият соати, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши аппарати маънавият ва маърифат бўлими мудирини Абдулла Асланов иштирокида олиб борилган "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолияти"га бағишланган анжуман, Соҳибқирин Амир Темур таваллудининг 682 йиллигига бағишланган "Амир Темур — миллат фахри" мавзuidaги маънавият соати, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори Феруза Муҳитдинова, юридик фанлари доктори Гулчехра Матқаримовалар иштирокида ўтказилган қатор тадбирлар ўз самарасини берапти.

Филиалда тадбирларни Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Республика маънавият тарғибот марказининг юқори маънавият маърузачилари иштирокида шартнома асосида ўтказилиши йўлга қўйилган.

Янги йилда янги режалар

Ҳар бир корхонада бўлгани каби "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида ҳам ҳадемай тарих саҳифаларидан ўрин эгаллайдиган 2018 йилда амалга оширилган ишлар якунланиб, қўлга киритилган ютуқлар таҳвил қилинапти, йўл қўйилган айрим камчиликларга баҳо берилиб, уларни тугатиш чораларини кўриш билан биргаликда келгуси йил режалари ҳам белгиланапти.

Янги 2019 йилда корхона мутахассислари оптик толали кабелларни тортиш, SWITCH қурилмаларини ўрнатиш, кенг полосали интернет хизмати мижозлари сонини ошириш мақсадида GPON қурилмалар ва MSAN ускуналарини ўрнатиш каби ишларни амалга ошириш ниятида.

Биз аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини ошириш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган жамоа аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, ишларида ютуқлар тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Муҳиддин СОЛИЕВ олган суратлар



Суратда: 291-АТС кабел-пайвандловчиси Абдумалик НИШОНОВ.

Бу қоида илк маротаба британиялик сийёсатчи, бош вазир Бенжамин Дизраэлли томонидан илгари сурилган ва жуда кўп инглиз мансабдор эркалари унга амал қилишган. Ҳатто қирол оиласининг аъзолари ҳам! Ва, ҳаттоки, таниқли давлат арбоби Уинстон Черчилл бу қоидадан тўғрилигини тан олган.

"АСЛО НОЛИМАНГ, ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗИНГИЗНИ ШАРҲЛАМАНГ"



Аксариат эркалар учун бегона бўлган "ҳеч қачон" жумласи нисбий ва барча вазиятга ҳам мос келавермайди. Аммо қарда, қачон ва нима учун уни ишлатишни англай олсак, ўз-ўзини идора қилувчи ва сергайрат кишилар сафига қўшиламиз.

Ҳеч қачон ўзингизни шарҳламанг

Америкалик адиб ва ношир Элберт Ҳаббард шундай дейди: "Ҳеч қачон ўзингни шарҳлама — дўстинг сенинг изоҳингга муҳтож эмас, душманинг эса барибир бунга ишонмайди".

Кимгадир қайсидир масала юзасидан изоҳ бериш сизнинг унга бўлган тобелигингизни оширади, тингловчига сизга ҳукмронлик қилишига куч беради. Кези келганида кимдандир танбеҳ ёки ҳақорат эшитсангиз, режаларингиз ҳақида сиздан сўрашса ёки қарорларингизнинг сабаби билан қизиқиб қолишса, бунга нисбатан муносабат билдириш, яъни суҳбатдошга унинг фикри хатолигини айтиш, бу — табиий ҳолат.

Агар у одам сиз билган ва ҳурмат қилган, ўзингизга яқин киши бўлиб, сизга жўяли бирор таклиф ёки фикр айтган бўлса, унда у билан режа ва қарорларингизни муҳокама қилишингиз мумкин.

Агар у одам сизнинг раҳбарингиз ёки мижозингиз бўлса, ишда қолиш ёки фойдани бой бермаслик учун ҳам шарҳ-изоҳ беришга мажбурсиз.

Ўрни келганида сеvimли киши ва дўста ҳам бирор

масала ёки вазият юзасидан изоҳ беришнинг айби йўқ.

Аммо ўзингиз шахсан билмаган (айниқса, бугун ижтимоий тармоқ ва месенжерларда кўпайиб кетган), оилавий ва шахсий ҳаётингиз юзасидан фикр билдиришга ҳаққи бўлмаган одамларга ниманидир изоҳлаб, вақтингизни кетказманг.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўз доиранингиздан ташқарида бўлган одамга изоҳ бериш — унинг даражасига тушиб қолиш билан баробар.

Ўзимизни шарҳлашнинг ягона сабаби — бошқа бировнинг маъқуллашини эшитишни хоҳлашдир. Қилишингиз керак бўлмаган ишнинг хатолигини билиб туриб, бошқалардан бу ҳақида сўраш — бошқаларга ўзингизнинг кучсизлигингизни кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Агар ёш, куч-гайратга тўла бўлсангиз, ҳозирда-ноқ танангизда ўзингизга муносиб кўрган шахсиятни шакллантиришга киришинг. Бировларга ўзингизни шарҳлаб, ўзлингиздан воз кечманг ва бошқаларга ҳам яхши яшашларига ёрдамлашинг.

Бирор масала юзасидан изоҳларингиз тан олинмай, фикр-мулоҳазада бошқага ютқазиб қўйишингиз — ўз ўзингизни назорат қилиш қобилиятини пасайтиради.

Изоҳ ва шарҳда чуқурлашиб кетиш валакисаланг суҳбатдошингизга янада куч бағишлайди. У сизни тўғри қарорларингиздан бирига қарши боришга ундамоқчи бўлади. Бундай онларда сиз унга ўзингиздаги иккита қадрли манбани бекорга ҳая қиласиз — вақт ва эътиборни. Натижада сиз ҳужум эмас, ҳимояга ўтиб оласиз. Суҳбатда аҳмоқ шеригингизнинг қўли баланд кела бошлайди. Табиийки, бундан қаттиқ асабийлашасиз. Бу каби суҳбатлар бора-бора сизни маънан ва руҳан эга бошлайди. Аммо, сиз бунинг сабаби шу каби гурунглар эканини доим ҳам англаб етмайсиз.

Режа ва қарорларингиз тўғрисида сўраган кишига изоҳ бермаслигингиз нари борса унинг сизни ожиз деб ўйлаши билан яқун топади. Аммо, бу — сизнинг энг катта ютуғингиз. Боиси сизнинг ишларингизга қизиқётган, сиз бегона ҳисоблаган одамлар аслида сиздаги гурурни мўлжалга олган бўлишади. Шу орқали улар сизни кучсизлантиришга уринишади.

"Асло нолима, ҳеч қачон изоҳлама" қоида сизга ҳасрат қилаётган, сизни танқид қилаётган одамни жимгина тинглашни англатмайди. Сиз меъёрни бузмаган ҳолда унга муносабат билдириш.

Суҳбатда айтиш жоиз бўлган гапни гапиринг.

Ўзингиз хоҳламаган гапни билдиришдан тийилинг. Фикрни лўнда қилиб ифодалаш ва ишонч билан гапирингиз сизни чалғитишга уринаётган суҳбатдош учун катта зарба.

Бировларга ҳадеб шарҳ бериш одамни ҳаётдан нолиш хасталигига дучор қилади. Охир-оқибат бундай одамлар Жек Лондон каби "дунё аҳмоқларга тўла бўлгани боис, у мени тушунишга ожизлик қилади!" деган фикрга келишади. Сабаб ўзингизни қанча кўп шарҳласангиз, ўзингизга қарши далил ва айбларни шунча кўп ошкор қиласиз.

Нолишга одатланманг

Университетнинг қаттиққўл профессори учун курс иши ёзаётган талабаларнинг ҳолатини тасаввур қилинг: кимдир профессорни "талабанинг қонига ташна" деса, бошқаси унинг талабчанлигини ўз муваффақиятининг дебодчаси деб баҳолайди.

Агар ёш, куч-гайратга тўла бўлсангиз, ҳозирданоқ танангизда ўзингизга муносиб кўрган шахсиятни шакллантиришга киришинг. Бировларга ўзингизни шарҳлаб, ўзлингиздан воз кечманг ва бошқаларга ҳам яхши яшашларига ёрдамлашинг.

Хулоса шуки, вақтингизни беҳуда сарфлаб, сизни тушунишни истамаган одамларга тушунтириш бериб, важи қорсон кўрсатишга уринманг. Боиси, улар ўзлари эшитишни хоҳлаган сўзларига ишонадилар.

Шўхрат САТТОВОВ

Изоҳ ва шарҳда чуқурлашиб кетиш валакисаланг суҳбатдошингизга янада куч бағишлайди. У сизни тўғри қарорларингиздан бирига қарши боришга ундамоқчи бўлади. Бундай онларда сиз унга ўзингиздаги иккита қадрли манбани бекорга ҳая қиласиз — вақт ва эътиборни. Натижада сиз ҳужум эмас, ҳимояга ўтиб оласиз.

УЛУҒЛИК МАРТАБАСИ

Унга навқиронлик даврида тамал тоши қўйилади

Ҳамсуҳбатим ҳақида: Нўмон КАРИМОВ салкам 44 йил алоқа соҳасида меҳнат қилган фидойи инсон. Фаолиятини Данғара тумани алоқа бўлимида радиотехникликдан бошлаган. Бағдод ва Фарғона туманлари, Қувасой ва Фарғона шаҳарлари алоқа бўлимларига раҳбарлик қилган. 1988 йилдан вилоят алоқа бошқармаси бошлигининг почта бўйича ўринбосари, 1992 йилдан 2002 йилгача “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалини бошқарган. Суҳбатдошим икки марта “Моҳир алоқачи” унвони билан тақдирланган ягона алоқачи бўлса, эҳтимол. Бирини 1990 йилда, бирини эса 1999 йилда олган. Телекомчилар ҳам, почтачилар ҳам бу хушфезъл, бағрикенг инсонни “Устоз Каримов” деб ардоқлайдилар.

– Нўмон Каримович, жуда оз фурсат радиотехник бўлиб ишлабсиз. Қаранг, тақдирингизга раҳбарлик битилган экан. Мустақиллигимизнинг илк йилларида “Аъло даражадаги раҳбар” кўкрак нишонига лойиқ топилганингиз ҳам раҳбар бўлиб туғилганингиз шарофати, шекли. Хуллас, дастлабки йилларда раҳбарлик юки қийнаб қўймаганими?

– Тан олиб айтаманки, осон бўлмаган. Олов ёшлик, сўнмас жўшқинлик ҳар нега қодир! Бутун вужудим билан, қалбим билан ишлаганман, дессам асло муболага бўлмайди. Менга билдирилган ишончини оқлашим шарт эди.

Ҳақ гапни айтдингиз, пешонамга раҳбарлик ёзилганими, табиатимда бошқарувчилик, фаоллик сифатлари устувор бўлганми, 1964-1966 йилларда Туркманистоннинг Небиттоғ шахрида ракета қўшинларида хизмат қилиб юрганимда ҳам шаҳар кенгаши депутатлигига сайланганман. Қолаверса, устозлардан ҳам бахтим қулган экан. Фаяс Файзиёв, Владимир Безруков каби мураббийларим мен учун маънавий ота бўлдилар. Уларнинг олтинлардан ҳам бебаҳо ўғитларини қулоғимга кўиб олдим. Шукрларким, кам бўлмадим. Уларнинг насиҳатлари қарз экан – шогирдларимга оқизмай-тозимай етказиб, қарзларимни узиб келдим, келяпман. Уларнинг бошқалардан ажралиб турадиган хислатлари ҳақида алоҳида тўхталгим келади, шох келадими, гадоми, ўрнидан туриб кутиб олардилар. Шошилмай суҳбатлашиб, му-



аммоларини ҳал этгач, яна остонагача кузатиб қўйдилар. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий маънавиятли, маърифатли раҳбар сифатида хотирамда қолишган. Жойлари жаннатда бўлсин.

– Ҳозирги раҳбарларга айтар сўзингиз?

– Уларга жуда-жуда ҳавасим келади. Раҳбарлик санъатини эгаллайман, ҳалол, тadbирли, ишбилги раҳбар бўламан, деганга ҳамма шарт-шароит бор. Истак ва шижоат бўлса бас. Олий ўқув юртларида бошқарувчилик илмини эгаллаш, Президент академиясида ўқиш... Карнеги, Хилл кабиларнинг ҳамда ўзимизнинг рушуннос олимларнинг асарларини айтмайсизми! Китоб дўконларида тўлиб-тошиб ётибди. Танлаганингизни оласиз, менталитетга мослаган ҳолда фойдаланасиз. Бизнинг давримизда бундайин жокса онг маҳсулотлари қайда эди! Тушимизга ҳам кирмаган. Буларга қўшимча қилиб айтар бўлсам, раҳбар ҳар бир ходим-

нинг лаёқатини илгаш, уни ягона мақсадга – ютуқларга йўналтира олиши муҳим. Ишлаб юрган кезларимда “Мен почтада туғилганман!”, “Почтага жонимни тикканман!”, “Почта – менинг ҳаётим!” шiori бўлган ходимларимни ниҳоятда эъзолардим. Уларнинг сафини кўпайтиришга ҳам бир қадар эришганимни мамнуният билан эсласам арзийди. Почтачи сулодаларни айтмайсизми. Улар почта анъаналарига содик, ҳудуддаги ҳар бир оиллага гўёки қариндошлик ришталари билан боғлангандек эди. Мана, энди асл почтачилик қон-қонига сингганларнинг, адашмасам, 70 фоизи почтада ишлаш бахтидан мосуво бўлди. Энди бундай авлодни шакллантиришга йиллар керак бўлади. Орзуга айб йўқ.

– Вужудга келган бу ташвишли ҳолатдан қандай чиқиб кетиш мумкин? Фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингиз билан ўртоқлашсангиз?

– Юқори идораларимиздаги замонавий илмларни эгаллаган олим мақомидаги раҳбарларимиз тўғри ечим топишларига ишонаман. Ислоҳотлар давлатга хизмат қиладиган соҳанинг йўқолиб кетишига йўл қўймайди. Шу йил бошида “Матбуот тарқатувчи” “Ўзбекистон почтаси” билан қўшилади, деган гап чикқанидан хабарим бор. Бу ҳам ёмон ечим эмас. Аввал ҳам битта ташкилот бўлганмиз-ку. Қарилдик пенсияларини “Халқ банки” тарқатаётгани ҳам, назаримда, жудаям тўғри бўлди, деб айтолмайман. Аниқроғи, мен бу масалада бир афзаллик кўрадим. Ўзим бунга ёрқин мисол бўла оламан. Белгиланган кунларнинг бирида пенсия оладиган бўлсам икки кун аввал бомдоддан ҳам олдинроқ чиқиб, навбатга эйилишим керак. Минглаб пенсионерларнинг кетган вақтига ачиниб кетаман. Қисқаси, бугунги почтани оёққа қўяман, деб аҳд қилганлардан

оқилона қарор ишлаб чиқишда олижаноб жасорат кутаяпман.

– Сўровимга кўра, неварангиз иккита суратингизни юборибди. Бирида газета, бирида китоб ўқиясиз. Икковида ҳам кўзойнак тақмабсиз. Кўзойнаксиз ўқийсизми? Қўлингиздаги қайси китоб?

– Ҳа. Икки кам саксон ёшдаман. Ҳали кўзойнакка ишим тушганича йўқ. Қўлимдаги китоб эса Шароф Рашидов уч томлигининг биринчи томи.

– Шу кунларда ўқиётган китобингиз?

– Алижон Зоҳирийнинг “Соҳибқаромат ҳузурда” деган китобини ўқиб бўлиб яна Александр Дюманинг асарларини қўлга олдим.

– Мутолаа... Мажбуриятми, эҳтиёжми, нима?

– Мен учун иккаласи ҳам. Чунки, мен учун ҳам, қайси-да донишманд ёзувчи айтганидек, ўқимаган куним йўқотилган кунимдек. Бежиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёзмаган-ку, “Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб. Ҳар маразларнинг шифоси, яъни Лукмондир китоб!”..

– Сўнги савол. Узоқ умр кўришингиз сир-асрорлари нимада деб биласиз?

– Менинг мисолимда ҳеч қандай сир йўқ. Оилам – тинч-осуда. Ўттиз йиллик ёшлик даврини алоқа соҳасига бахшида этган Элмира опангиз билан бир ўғил, икки қизни ўстирдик. Ўқитдик. Ҳаммаси ўқитувчи. Қўвларим ҳам ҳурмат қозонган педагоглардан. Невараларимнинг каттаси Темурбек – ҳарбий офицер. У билан фарланамиш. Мақсадимиз – неварачевараларимизни ҳам меҳнатсевар, ватанпарвар қилиб тарбиялаш. Аллоҳ берган ҳар бир кунимизга шукронаи неъматдамит. Етказганига шукр...

– Сермазун суҳбатингиз учун ташаккур. Омон бўлинг.

Ҳафиза САЛҲОВА суҳбатлашди

Қисқаси, бугунги почтани оёққа қўяман, деб аҳд қилганлардан оқилона қарор ишлаб чиқишда олижаноб жасорат кутаяпмиз.

ТАДБИР

БАХТУ ИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

“Ўзбектелеком” АК “Фарғона Телеком” тармоқларни эксплуатация қилиш маркази катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали таббир бўлиб ўтди.

Таббирни марказ директори Музаффар Носиров очиб, шонли сана билан йиғилганларни муборақбод этаркан, Асосий қонунимизнинг бахту сاداتимиз кафолати эканлигига алоҳида тўхталди ва унга қатъий амал қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари муқаддаслиги, уни ёддан билиш зарурлигини ташкиллаб ўтди.

Шундан сўнг бўлим мудир Анваржон Ботиров ўн иккинчи чақирик

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз ҳақида батафсил маълумот берди. Маърузачи қонун ижодкорлигининг машаққатли жараёнлари ҳақида сўз юритди. “Мана энди халқимиз шиддатли глобаллашув жараёнларида дунё халқлари билан баравар қадам ташламоқда. Жаҳон майдонида ўз ўрни ва муносиб нуфузига эга.

Одамларимиз ислоҳотлар самарасини узоқ келажакда эмас, бугун ҳис этиб яшамоқдалар”, – деди у.

Таббирда иштирок этган ҳудудий бошқарма бошлиғи Ҳалимжон Курбанов йиғилганларни табриклаб, жамоага вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш ишларида улкан муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг мижозларга сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатишда ҳалоллик ва фидокорлик хислатларини намоён этган 43 нафар “Энг яхши каварловчи”, “Энг яхши кабел кав-



шарловчи”, “Энг яхши электромонтёр” танловлари голибларига ҳамда бошқа фаол ходимларга касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Шодиёна яқунида цех касабачи уюшмаси қўмитаси раиси Хусанбой Абдурахимов, Кува ТБ бошлиғи Азиза Абдуллажонова сўзга чиқиб, меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этаётганларга ҳурмат ва эътибор қорхона фаолиятининг янада яхшилланишига рағбат бўлишига ишонч билдирдилар.

С.ҲАФИЗОВА



ИНТЕРНЕТ

Ер аҳолисининг ярмидан кўпи интернетдан фойдаланмоқда


Халқаро электралоқа иттифоқи (ITU) ҳисоботига кўра, 2018 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони Ер аҳолиси сонининг ярмидан ошди. 3,9 миллиард киши ёки сайёрамиз аҳолисининг 51,2 фоизи интернет хизматларидан фойдаланаяпти.

ITU маълумотига кўра, ривожланган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчилар сони 2005 йилдан бери 51,3 фоиздан 80,9 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда эса 7,7 фоиздан 45,3 фоизга, Африка мамлакат-

ларида 2,1 фоиздан 24,4 фоизга кўтарилди.

МДХ мамлакатларида интернетга уланиш даражаси 2018 йилда 71,3, Европа мамлакатларида 79,6 фоизни ташкил этмоқда.

ITU маълумотларига кўра, Ер аҳолисининг 96 фоизи мобил алоқа сигналлари билан қопланган ҳудудларда яшамоқда, 90 фоизи эса 3G ва 4G стандартидаги алоқадан фойдалана олади. Ҳозир ишлатилаётган SIM-карталар сони сайёрамиз аҳолиси сонидан кўп.



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР



Instagramга овозли хабар жўнатиш мумкин

Энди Instagram фойдаланувчилари бир-бирларига ва чатларга овозли хабар жўната оладилар. Бу ҳақда ижтимоий тармоқ маъмурияти Twitter орқали хабар берди.

Қулайликдан iOS ҳамда Android платформали қурилмалар воситасида фойдаланиш мумкин.

Функция худди WhatsAppга каби ишлайди — тугма босилади ва матн (яъни овоз) ёзиб олинади. Овозли хабар узунлиги ҳозирча бир дақиқа билан чекланган. Хабарни беркор қилиш учун уни “сабатчага ташлаш” кифоя.

Тўғридан-тўғри алоқа ташкил этиши энди шарт эмас, хабарлар билан исталган пайтда танишиш мумкин.

ҚУВВАТ МАНБАИ

Энг тез қувват олувчи смартфонлар

Gizmochina tadqiqotchilari qaysi смартфон энг тез қувват олишини аниқлаш учун синов ўтказишди. Ҳолилик 30 дақиқа ичида энг кўп қувват тўплаган смартфонга берилди.

Ҳолилик эса аккумулятори сигими 3700 мАсга тенг Oppo R17 Pro смартфон бўлди. Унинг батареяси ярим соатда 92 фоизга тўлди!

Иккинчи ўринда эса Honor Magic 2 — 83 фоиз, аккумулятори сигими — 3500 мАс.

Учинчи ва тўртинчи ўринларда Meizu Pro 7 Plus ва Oppo R11 да бир хил кўрсаткич — 66 фоиз.

Энг тез қувват олувчи смартфонлар етакчи ўнлигига, шунингдек, Vivo X21, Charm Blue S6, OnePlus 5T, Nut Pro 2, Huawei Mate 10 қурилмалари кирди.

Oppo R17 Pro 50 ваттлик SuperVOOC тез қувватлаш воситаси ҳисобига ўзига хос бўйга тенгсиз деб топилди.



БОЗОР

Грузияда интернет неча пул?



Newsgeorgia.ge сайтнинг ёзишича, Грузияда ўрта ва кичик тоифа интернет-операторларга тақдим этиладиган хизматлар етти-саккиз баравар арзонлашади. Бу ҳақда Грузия миллий коммуникациялар комиссияси ўз сайтида маълум қилди.

Ушбу қарор бозорда рақобатни ривожлантириш учун қабул қилингани, мақсад эса яқиний фойдаланувчи — оддий халқ учун интернет сифатини яхшилаш экани айтилган.

Янги қарор йирик операторлар зиммасига ривожланган ўз тармоғидан кичик ва ўрта тоифа операторларнинг ҳам фойдаланишига рўхсат беришни юклайди.

Комиссия бу билан Тбилисидан сотиб олинган интернетни кичик компаниялар ёрдамида чекка ҳудудларга ҳам етказмоқчи.

Бугунги кунда Грузияда интернетдан фойдаланувчилар сони 755 минг нафар бўлиб, уларга 160та атрофида интернет-провайдерлар хизмат кўрсатмоқда. Булар орасида энг йириклари — Silknet, Caucasus Online, Magticom ва “Ахали кселеби”. Мамлакатда энг оммалашган интернет оптик толали уланишдир.

Грузиялар бир ойда 20 мегабит/сония тезликдаги интернет учун 30 лари (11 доллардан кўпроқ) тўлашади.

СМАРТФОНЛАР

Янги Samsung Galaxy “Айфон”дан қиммат бўлади

Samsung Galaxy S10 смартфонни расман тақдим этилмаган бўлса-да, у ҳақда тобора кўп маълумотлар чиқиб келмоқда. Инсайдерлар берган навбатдаги маълумотга кўра, янги “оддий” флагманнинг нархи 850 доллардан бошланади. “Оддий” смартфоннинг экрани 5,8 дюйм, хотираси 128 ГБ.

6,1 дюймли экранлилари эса 1000 доллардан 1250 долларгача, яъни хотираси кам-кўплигига қараб баҳоланади. S10Plus приставкалиси эса 1200дан то 1760 долларгача. Нега бунча қиммат? Бунга ишлаб чиқарувчи ўзига хос технологиялар қўллангани билан изоҳлади: тўртталик асосий камера ва портрет олувчи қўшқамера, 6,4 дюймли Super AMOLED дисплей ва 1024ГБгача доимий хотира.

Бу нархлар Европа бозори учун, демак, қолган бозорларда нархи янаям омонга чиқади...



ТЕХНОЛОГИЯЛАР

6G — нима ўзи?

Жаҳон бозориди энди энди бешинчи авлод (5G) мобил алоқа технологиясини жорий этишда дастлабки қадамлар ташланмоқда. Шунга қарамадан, алдақон олтинчи авлод 6G концепцияси устида ҳам ишлар бошлаб юборилган. Бу ҳақда Gizchina нашри ёзмоқда.

Назарий жиҳатдан 5G тармоғи 20 Гбит/с. ўтказиш қобилиятини таъминлайди.

4G/LTE билан солиштирилганда бу бешинчи авлод стандарти анча кўп сонли

қурилмаларга бир пайтда хизмат кўрсата олади. Турли мамлакатларда 5G технологияси тестдан ўтказилган ва секин-аста жорий этиляпти. Хабарларга кўра, 5G стандарти операторлари орасидаги етакчилар 2019 йилдаёқ уни кенг қўламли ва тўлақонли миқёсда жорий эта бошлайдилар.

Истиқболда 5G ўрнига олтинчи авлод мобил тармоқлари келади. Бундай сервиси маълумотлар узатиш-

нинг жуда катта тезлигини (терабит даражасида) таъминлайди. Бундан ташқари, 6G тармоқлари ҳатто сув остидаги қамровни ҳам таъминлай олади. Таъкидланишича, кўплаб мамлакатларда, жумладан, Россия, АҚШ-да 6G технологиясига қизиқиш катта. Маълум қилишларича, олтинчи авлод мобил алоқа технологиясининг тижоратли жорий этилиши 2030 йилдан илгари бошланмаса керак.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Буюк Британия: Ҳар бир овоз учун курашда Тереза Мэй ғолиб бўлди

Бутун дунё диққат марказида турган сиёсий жараёнга нукта қўйилди. Ниҳоят, Тереза Мэй Буюк Британия Бош вазири сифатида ҳам, Консерватив партиясидоғи етакчилиқда ҳам ўз ўрнини сақлаб қолди.

Узоқ тортишувлардан сўнг консерваторлар ўз танловларини эълон қилди. Сайлов жараёни нафақат мамлакат телеканалларида кўрсатилди, балки депутатларнинг ўзлари ҳам бу тарихий муҳим санани кўл телефонларига муҳраб олишти. Тереза Мэй хонимни 200 нафар депутат кўллаб-қувватлади, 117 нафар партиядоши эса қарши овоз берди. Овоз бериш натижалари барларда ҳам, Рождество оқшомларида ҳам намоиш этилди. “Бугун ўтказилган овоз бериш натижаларини парламент партиясига кўллаб-қувватлайди”, — деди Консерватив партиясининг 1922 бошқарув қўмитаси раиси Грэм Брэди.

Сезиларли кескинлик бўлган овоз бериш жараёни ниҳоясигача Тереза Мэй

ғалабасига ишонч йўқ эди. Ҳар бир овоз учун жиддий курашилди. Айнан шунинг учун консерваторлар икки депутатнинг ҳуқуқларини тиклашни лозим топишди. Улардан бири Эндриу Гриффитс бўлиб, у икки аёлга тегажонлик қилгани боис партиядан ўчирилган эди. Овоз беришдан сўнг Мэй матбуотга жуда яхши кайфиятда кўриниш берган. Бу ғалаба унга бир йил давомида ишончсизлик борасида қайта овоз бериш ўтказилмаслигини кафолатлайди.

“Кўллаб ҳамкасбларим менга қарши бўлганига қарамасдан, мени кўллаб-қувватлаганлардан миннатдорман”, — деди Тереза Мэй. — Энди биз британ халқи истаганидек бу мамлакат учун яхши келажак қуришга қара-

тилган Brexit бўйича ишларимизни давом эттиришимиз керак”.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ партиясининг бошқарув қўмитасига мамлакат Бош вазири Тереза Мэйга нисбатан ишончсизлик вотуми масаласини кўриб чиқиш учун етарли бўлган 48та мурожаат келиб тушган эди. Brexit бўйича овоз бериш бекор қилинганлиги сабабли Британия парламенти фавқулодда дебатлар ўтказиши маълум бўлганлиги. Дебатлар 11 декабрга мўлжалланиб, мамлакат Лейбористлар партиясига мунозаралар ўтказиш ташаббускори бўлганлиги.

Ниҳоят, Консерватив партиясига бошқарув қўмитаси раиси Грэм Брэди мамлакат Бош вазири Тереза Мэйга ишончсизлик вотуми бўйича овоз бериш жараёни бошлангани ҳақида эълон қилди. Қондаларга кўра, овоз бериш 12 декабр, чоршанба кунини бўлиб ўтди.



Ди Каприо “Оскар”сиз қолди

АҚШ федерал ҳукумати Голливуд актёри Леонардо Ди Каприодан унга тегишли бўлган “Оскар” ҳайкалчасини олиб қўйди. Бу мукофот 1954 йили Марлону Брандога “Порта” филмидаги роли учун тақдим этилган эди.

Мазкур ҳайкалчани Ди Каприо миллиардлаб доллар миқдоридоғи молиявий қаллобликларни амалга оширишда гумонланиб, қамалган таниши Жоу Лоудан совға сифатида қабул қилган. Жоу Лоу ўз фаолияти давомида Малайзиянинг IMDB давлат фонди маблағларини асосан қиммат ва даббали предметлар сотиб олишга сарфлаган. Улар жумласига 250 млн. доллар қийматидаги хусусий яхта, Ван Гог ва Пикассо картиналари ҳам кирди.



Юзага келган жанжалли ҳолатлар туфайли Ди Каприо унга Лоу томонидан тақдим этилган барча совға-саломлар, жумладан, Пикассонинг “Буқа боши билан натюрморт” картинасидан ҳам воз кечишга мажбур бўлган.

Эслатиб ўтамиз, 2016 йилда ҳам Ди Каприо АҚШ давлат хавфсизлик хизмати томонидан Малайзияда содир этилган молиявий ўғриклар бўйича тергов қилинган эди. Ушанда актёр асос солган хайрия фонди IMDB молиявий кирдикорларига алоқадорликда гумон қилинган.

Renova водородда ишловчи дунёдаги илк юк машинаси бўлади

Швециянинг юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Scania компанияси яқин орада водород ёнилғисига ишловчи дунёдаги илк юк машинаси чиқаришини маълум қилди. Компания раҳбарларидан бири Марита Нилссон айтишича, машинага Renova номи берилган.



Scania юк машинани яратиш доирасида Швециянинг энергетика агентлиги ва Стокхольм Қироллик технология институтини билан ҳамкорлик қилмоқда. Энг қизиқ жиҳати, юк машинаси чиқинди ташувчи машина бўлади. Водородда ишловчи ёнилғи элементларининг қўлланиши чиқинди ташувчи каби оғир тижорат машиналари учун жуда жалб қилувчи ҳисобланади. Юк машиналар бу борада енгил машиналардан кўра афзалроқдир. Машина 2019 йил охирида сотувга чиқарилади. Шу давр ичида машинанинг илк синовларини ўтказиш белгиланган. Лойиҳа Швеция ҳукумати билан яқин ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Майкл Коэн: Америка халқидан уэр сўрайман

АҚШ президенти Доналд Трампнинг собиқ адвокати Майкл Коэн бир қатор жиноятлар, жумладан, президент кампанияси вақтидаги молиявий қондабузарликлар ва Трамп билан жинсий яқинликда бўлганини таъкидлаган икки аёлга сукут сақлаш учун пул тўлаганлиги боис уч йиллик қамоқ жазосига тортилди. Коэнга, шунингдек, 2 млн. долларлик жарима солинган.

Авалроқ молиявий қондабузарликлар, солиқ фирибгарликлари содир этиш ва АҚШ конгрессига ёлгон кўрсатмалар беришдаги айбини тан олган адвокат суд йиғилишида Трамп уни “ёвузлик йўлидан боришга мажбур қилгани”ни ва Трампга содиқлиги унинг заиф томони бўлганини айтган. “Мен кўчмас мулк компаниясига ишлаш таклифини олиб хато қилганман. Трамп мени твиттерда “заиф” деб атади ва у ҳақ бўлган, бироқ менинг заифлигим қалбим амрини эшитмай, унинг ишларини яшириш мажбуриятим деб уйлаганим бўлган. — деб айтган Коэн сўнгги сўзида. — Мен АҚШ халқи олдида уэр сўрайман — у ҳақиқатни билишга лойиқ”.



Белгияда болалар олдида чекканларга жарима солинади



Белгиянинг Фландрия ҳудуди парламенти транспорт воситаси ичида болалар олдида сигарет чеккан ҳайдовчи ва йўловчиларга минг еврогача жарима солиниши тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

RTBF телерадиокомпаниясининг хабар беришича, ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаган христиан демократлар фракцияси Валлония ва Брюсселда ҳам худди шундай қонун қабул қилинишига умид қилмоқда. Транспорт воситаси ичида 16 ёшгача бўлган болалар олдида электрон сигарет чекиш ҳам тақиқланади, дея қайд этади телерадиокомпания.

Туркия “фазовий давлат”га айланмоқчи

Президент Ражаб Тоййиб Эрдоғоннинг фармони билан Туркия Космик агентлиги ташкил этилди. Фармон янги агентликнинг низоми ва ваколатларини белгилайди.

Агентлик алоҳида бюджетга эга бўлади, ҳам маъмурий, ҳам молиявий масалаларда мустақил равишда ҳаракат қилади. Шунингдек, Туркиянинг Миллий космик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулдир.

Туркия Космик агентлиги аэрокосмик технологиялар соҳасида мамлакатнинг устувор йўналишлари, мақсадлари ва стратегиясини шакллантиришга ҳисса қўшади. Саноат ва технологиялар вазири билан алоқадор бўлди. Рақобатдош маҳсулотлари мамлакат фаровонлигининг ўсишига ҳисса қўшадиган Туркия аэрокосмик саноатини ривожлантириш учун масъул ҳисобланади.

Фармонда агентликнинг давлат номидан музокаралар олиб бориши ва шартномалар тузиши, шу жумладан, космик аппаратлардан фойдаланиш масаласини ўзи ҳал қилиши белгиланган.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИГА АЛДАНМАЙЛИК

Давлат фелдъегерлик хизматида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарсида шахсий таркиб "Ахборот хуружлари: мақсад ва шакллари" мавзусидаги маърузани тингладилар.



XX асрнинг сўнги ўн йиллигида яратилган илм-фан кашфиёти, яъни интернетнинг вужудга келиши натижасида ахборот-коммуникатив жараён тезлашиб кетди. Интернет орқали инсониятга ғойавий таъсир ўтказиш қўлами янада кенгайди. Тўғри, интернетнинг ҳаётимизда қатор имкониятлар яратишини инкор этолмаймиз, албатта. Бироқ, кучли мафкуравий таъсир кўрсатиш воситаси бўлган ушбу воқелик жиҳдий муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Умуман олганда, ҳозирги кунда интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчи гуруҳга экстремизм ва терроризм ғоялари-

ни, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабиларни тарғиб этувчи ахборотлар киради; иккинчи гуруҳдаги ахборотлар гарб ҳаёт тарзига хос, миллий менталитетимизга ёт оdatлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу, айниқса, гарб ёшларининг қийиниши, оdatларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, филмларда яққол намоён бўлади. Учтинчи гуруҳга беҳаёликни тарғиб қилувчи порнография ахборотларни киритиш мумкин; тўртинчи гуруҳдаги материалларга ҳали текширилмаган, ўз исботини топмаган турли хужумкор, вайронкор ахборотлар киради. Юргимизга "оммавий маданият", янаям аниқ қилиб айтсак, оло-

мон маданияти асосан интернет тармоғи орқали кириб келяпти. Бу ҳол одоб-ахлоқ, миллий, умуминсоний ва диний қадриятларга ҳурмат пасайиши каби кўплат нохушликларни келтириб чиқаряпти.

Мафкуравий хуружлар одамларнинг, аввало, ёшларнинг онгини эгаллашга йўналтирилади. Айниқса, "оммавий маданият" деб аталаётган иллат халқимизнинг маънавий ҳазинаси бўлган одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё, ифбат-андиша каби фазилатларига таъвоуз қилиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз илдизига зиён етказмоқда.

Эндиликда ОАВ, жумладан, интернет тармоғидаги веб-сайтлар, блогерлар, реклама воситалари ҳамда бошқа турдаги ахборот каналлари орқали тарқалаётган ахборотларда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказиш мумкин бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт қилиб қўйилган.

Хулоса шуки, ахборот хуружла-

ри орқали одамлар онгига сингиши мумкин бўлган лоқайдлик, ахлоқсизлик, худбинлик, шафқатсизлик, зўравонлик, беҳаёлик сингари иллатларга қарши мurosаси ва мунтазам равишда курашиш зарур. Бу курашда мавжуд техник имкониятлардан, аудио, видеороликлар, мультимедиа воситалари кабилардан мақсадли ва унумли фойдаланиш, одамларда атрофга дахлдорлик, масъулият ҳиссини ошириш, мафкуравий имунитетни янада кучайтириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, оиламиздагилар, айниқса, фарзандларимиз интернетда ўтиганида қайси сайтларга қараётганидан хабардор бўлишимиз, уларга тушунтириш ишлари олиб боришимиз керак. Фарзандларимиз вақтини кўпроқ китоб ўқишга, спорт машғулотларига ва касб-хунар эгаллашга қаратилиши таъминлашимиз керак.

Т.МУСАЕВ,
ДФХ подполковниги

ЭЪЛОНЛАР!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Доцентлар:

"Аудиовизуал технологиялар" кафедраси — 1, "Телерадиозинтириш тизимлари" кафедраси — 1.

Катта ўқитувчилар:

"Компютер тизимлари" кафедраси — 1, "Чет тиллари" кафедраси — 1, "Телекоммуникация инженеринги" кафедраси — 1, "Ахборот таълим технологиялари" кафедраси — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

"Электроника ва радиотехника" кафедраси — 1, "АКТ соҳасида иктисодиёт" кафедраси — 1, "Информатика асослари" кафедраси — 1, "Ахборот технологиялари" кафедраси — 1, "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.

Утганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазир Шухрат Содиқовга падари бузруквори

Муҳаммадjon ота СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия издор этади.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси алоқа соҳаси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган меҳнат фахрийси

Муҳаммадjon ота СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Бир гуруҳ алоқа соҳаси фахрийлари, ҳамкасб дўстлар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийси, "Моҳир алоқачи" унвони соҳиб **Муҳаммадjon СОДИҚОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фозил Тешаевга волидан муҳтарамаси

ҲОЖИБИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия издор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун қўйиладиган:

"SKY NETWORKS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2015 йил 19 октябрда берилган АА серияли 0005704 рақамли лицензиянинг амал қилиши буйруқ чиққан куннинг кейинги санасидан бошлаб 10 иш кунига;

"ALOQA TA'MIR TA'MINOT" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 22 сентябрда берилган АА серияли 0006243 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 6 декабрдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ "IRODA-A'ZAM-SERVIS" (Сирдарё вилояти) хусусий корхонасининг ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 27 майда берилган АА серияли 0005020 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 12 декабрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 52-бандига мувофиқ "ROYOB QURILISH" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2018 йил 25 июлда берилган АА серияли 0006547 рақамли;

- кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2018 йил 25 июлда берилган АА серияли 0006548 рақамли

лицензиялари 2018 йил 12 декабрдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ:

"UMID MEDIA" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) теледастурларни тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2018 йил 18 июнда берилган АА серияли 0006494 рақамли;

"DUNYO" масъулияти чекланган жамиятининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2018 йил 25 июлда берилган АА серияли 0006549 рақамли лицензиялар 2018 йил 12 декабрдан бекор қилинди.

"F AND L-LINE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2018 йил 31 майда берилган АА серияли 0006489 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 7 декабрдан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 381-ф-сонли фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисоб рақамга 2018 йил 12 декабрда "UZINFOCOM" томонидан 8000,0 минг сўм, 13 декабрда "Elektromagnit moslashuv markazi" ДУК томонидан 257662,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ушбу маблағ Жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2019 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

